



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 14 сентябрь, № 192 (8535)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОЖИКИСТОНГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифи билан 14-15 сентябрь кунлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрида бўлади.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг бешинчи учрашуви кун тартибидан минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларидаги қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фойдалантириш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги замонавий таҳдид ва хатарларга қарши чора кўриш масалалари ўрин олган.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг ушбу бирлашма ташкил этилганининг ўттинчи йилда ўтказиладиган юбилей йиғилишида сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги минтақавий шерикликнинг долзарб жиҳатлари ҳамда жамғарма фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирлар якунида бир қатор кўп томонлама ҳужжатларнинг қабул қилиниши режалаштирилган.

## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни электрон ҳукуматни ривожлантириш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий хизматлар жадал рақамлаштирилмоқда. Яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бу борадаги истиқболлар белгилаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукумат рейтингини “ТОП-30” талика кириш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бу рейтинг (e-Government Development Index) мамлакатларда соҳа ривожини кўрсатувчи халқаро индексдир. Унинг аҳамияти жиҳати, аҳоли ва давлат ўртасида электрон мулоқотни кенгайтириш, хизматларни қўлайлаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда унда Ўзбекистоннинг ўрни изчил кўтарилиб, ўтган йили 69-поғонада қайд этилган.

Рейтингда юқори 30 та мамлакат қаторига кириш учун хоржилик экспертлари иштирокида, халқаро методология асосида 6 та йўналиш бўйича 53 та тадбир-

дан иборат “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унда он-лайн хизматлар бўйича 112 та кўрсаткичи яши-лаш, 2024 йилда 700 та рақамли хизматни ишга туши-риш ва барчасини mu.gov.uz га жамлаш, аҳоли маскан-лари ва автомагистраль йўлларни юқори тезликда-ги интернет билан таъмин-лаш назарда тутилмоқда.

Бу жараёнларни илмий-хуқуқий таъминлаш, ҳам-корлар билан ишлаб, кам-чиликларни бартараф этиб бориш мақсадида “Рақам-ли Ўзбекистон — 2030” стратегияси бўйича комис-сия ҳузурида Лойиҳа офиси ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, он-лайн хизматларни ва юқори технологиялар соҳасида инсон капиталини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди. Рақам-ли технологиялар вазирига БМТ Департаментига (UNDESA) тақдимот қилиб, Ўзбекистоннинг рейтингда-ги ўрнини яхшилашни асос-лаш топширилди.

Ў.А.

## Акс садо

Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимизнинг Сайловолди дастурида кейинги 7 йилда таълим ва табибёт тизимини тубдан ривожлантириш борасида аниқ мақсадли режалар эълон қилинган эди. Дастурда билдирилган ушбу йўналишлардаги фикрлар, режалар, тақлифлар “Ўзбе-

кистон — 2030” стратегиясида акс эттирилиб, биринчи навбатда, таълим ва табибёт тизимидаги ислохотларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, педагог кадрлар ма-комини ошириш, уларнинг били-ми ва малакасини халқаро стан-дартларга мувофиқлаштириш мақсадида минг нафар тарбиячи ва ўқитувчиларни хоржиий мам-лакатларга малака ошириш ва

стажировкага юбориш, бошлан-ғич синф ўқитувчиларининг ўқув юкламасини 16 соат, юқори синф ўқитувчиларига эса 18 соат этиб белгилаш, олис ва чекка худуд-ларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчи-ларини учун бепул мактаб автобу-сларини йўлга қўйишдек муҳим масалалар ўрин олган.

Бошқача айтганда, таълим ти-

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 14-15 сентябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) саммитида иштирок этади.

Тожикистон пойтахтида бўлиб ўтадиган учрашувлар кун тартибидан сиёсий ҳамкорликни кучайтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, гуманитар алоқаларни қучурлаштириш, минтақавий ва экологик хавфсизликка таҳдидларга биргаликда жавоб бериш мақсадида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ҳамда халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

## Биз ва жаҳон

“Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг таълим ва умумий фаровонлик маконини яратиш бўйича кўп томонлама мулоқотни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилган ва қўшни давлатлар қўллаб-қувватлаган сайёҳатлар бугун бизга юқори даражадаги консолидацияга эришиш ва йиллар давомида сувдан фойдаланиш, чегаралар ва савдо каби страте-гик муҳим соҳаларда тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таш-кил этилган Маслаҳат учрашувлари ме-ханизми Марказий Осиё давлатларининг уму-

Минтақавий муаммоларни конструктив ҳал этиш ва умумий фаровонлик маконини яратиш бўйича кўп томонлама мулоқотни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилган ва қўшни давлатлар қўллаб-қувватлаган сайёҳатлар бугун бизга юқори даражадаги консолидацияга эришиш ва йиллар давомида сувдан фойдаланиш, чегаралар ва савдо каби страте-гик муҳим соҳаларда тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таш-кил этилган Маслаҳат учрашувлари ме-ханизми Марказий Осиё давлатларининг уму-

мий муаммоларини ишончли ва конструктив муҳокама қилиш ҳамда келишилган ҳолда ҳал этиш учун самарали платформа ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мамлакатларимиздаги қардош халқларнинг туб манфаатларига жа-воб берадиган ташаббуслари минтақа дав-латларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлан-моқда. Ушбу учрашувлар халқаро сиёса-тининг муҳим омилига айланди, бу геосиёсий нотинчлик ва жаҳон иқтисодиётининг бека-рорлиги шароитида Марказий Осиёнинг кейинги ривожланиш векторини аниқлаш им-конини беради. Улар минтақа давлатлари-нинг ҳамжихатлигини намойиш этади, шу-нингдек, янги таҳдидларга биргаликда қарши туришга интилиш умумийлигидан далолат беради.

Ўтган йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртта Масла-ҳат учрашуви бўлиб ўтди: 2018 йилда Қозо-ғистон пойтахтида, 2019 йилда Тошкентда, 2021 йилда Туркменистоннинг “Аваза” сайёҳлик худудига ва 2022 йилда Қирғизис-тоннинг Чўлпонота шаҳрида.

2018 йилда Қозоғистонда ўтказилган би-ринчи Маслаҳат учрашувидан буён давлат-лараро сиёсий мулоқот сифат жиҳатдан янги

босқичга кўтарилиб, муносабатларни чинакам яхши қўшничилик ва иттифоқчилик руҳида жадал ривожлантиришга замин ярат-ди. Тарихан қисқа вақт ичида Марказий Осиё жадал ривожланиб бораётган савдо, сар-можий, транспорт-коммуникация салохия-тига эга ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ягона маконига айланди. Биргаликдаги сайё-ҳаракатлар натижасида минтақалараро то-вар айирбошлаш ҳамда интилиш сизилари дара-жада оширишга эришилди.

2017 — 2022 йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,7 баравар ўсиб, 2,7 млрд. доллардан 7,5 млрд. дол-ларга ошди. Бу умумий таълим савдо ҳажмининг 15 фоизи, демакдир. Биргина 2022 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг Марка-зий Осиё давлатлари билан таълим савдоси ҳажми 17,2 фоизга ортган.

Саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш бошланди, қўшма сармо-жий компания ва жағғармалар ташкил этил-моқда, транспорт ва транзит соҳасидаги ше-риклик кенгаймоқда, трансчегаравий савдо ва худудлар ўртасидаги ҳамкорлик ривож-ланмоқда.



## Учрашув

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш шароитида гендер тенгликка эришиш” мавзусида ўтказиладиган Марказий Осиё етти аёллар мулоқотининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб турибди.

Сенат Раиси ташриф доирасида Тожикистон Республикаси Мажлиси милли Мажлиси Оли раиси Рустам Эмомали билан учрашди.

Учрашув аввалида томонлар икки мамлакат вақт синовидан ўтган энг яқин қўшни ва ишончли ҳамкор экани-ни, халқларимизни умумий тарих, дин, маданият ва аънавалар бирлаштириб туришини, дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик ришталари бугунги кунда ҳам изчил ривожланиб келаёт-ганини таъкидлаб ўтди.

Дўстона суҳбатда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон ҳамда Тожи-кистон ўртасидаги кенг қаровли ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, савдо-иқтисодий, мада-ний гуманитар, айниқса, парламен-лараро мулоқотни самарали ташкил

этиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, икки мамлакат парламен-т юқори палаталари ўртасида тузилган дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада жадаллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сав-до-иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкам-ланмоқда. Сўнгги беш йилда Ўзбеки-стон ва Тожикистон савдо-иқтисодий алоқалар динамикаси жадал суъят-ларда ошиб бораётди. Яқин келажа-да ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 млрд. долларга етказиш бўйича қонунчилик даражасида қўшма ишлар-ни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорликнинг юқори даражаси эътибор қилиниб, қўшма ма-даний тадбирлар, жумладан, зиёлилар-нинг икки томонлама форумларини, санъат усталарининг қўшма концерт ва

гастролларини ташкил этиш муҳими-лиги айтиб ўтилди. Шунингдек, зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича са-марали чоралар кўришга келишиб олинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сенати ва Тожикистон Республикаси Мажлиси милли Мажлиси Оли ўртасида ҳамкор-лик тўғрисида битим имзоланди. Унда парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, олий даражада эришил-ган келишувлар ижроси юзасидан қўшма парламент мониторингини амалга ошириш, халқаро парламен-тузилмалари доирасида яқин ҳамкорлик-ни кучайтириш масалалари акс этди.

Шунингдек, олий даражадаги таш-рифлар чоғида эришилган келишувл-ларни амалга ошириш устидан бирга-ликда мониторинг олиб бориш ме-ханизмини такомиллаштириш, парламен-т фаолияти соҳасида ўзаро таъриба ал-лаштириш, чегарадош вилоятлар ва ту-манлар депутатлари ўртасида муноса-батларни йўлга қўйиш бўйича “Йўл хар-итаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА КАМСИТИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг пенсия таъминотини такомиллаштиришга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинди.

Кенгаш аъзолари ногиронлиги бўлган шахслар-нинг ҳуқуқларини мус-таҳкамлаш, аҳолининг бар-ча қатлами тенг ҳуқуқлар-га эга бўлишини таъмин-лаш, самарали механиз-мларни жорий этиш бўйича охириги йилларда салмоқ-ли ишлар олиб борилаёт-ганини таъкидлади.

Маъмур қонун лойиҳаси-га асосан “Ижара тўғриси-да”ги Қонунга киритилаёт-ган ўзгаришлар ногиронли-ги бўлган шахсларни

камситишнинг олдини олишга қаратилгани билан эътиборлидир. Амалдаги нормаларга кўра ижара муносабатига қатнашган шахс, яъни ишгароқчи ногирон бўлиб қолганда ижара шартнома мuddати тўхта-тилар эди. Ҳозир бу норма-ни чиқариш тақлиф этил-моқда. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижти-моий муносабатларда қат-нашишда камситишлар-нинг олдини олади.



## Халқ билан мулоқот

# АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Қонун қачон пишиқ, пухта, тўлақонли бўлади, қутилган самарани беради? Қачонки, уни қабул қилишдан аввал парламент аъзолари жойларда қонунлар ижроси, одамларнинг унга муносабати ва нуктаи назарини яқиндан ўргансагина кўзланган мақсадга эришилади.

Халқ билан бевосита ва самимий мулоқотлар мав-жуд қонунлардаги бўшлиқ-ларни аниқлаш ҳамда улар-ни маромига етказишга хизмат қиладиган асосли тақлиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасининг Рег-ламентига кўра ҳар ойнинг сўнгги ҳафтада депутат-ларнинг сайлов округлари-да учрашувлари ташкил

қилинаётганининг замири-да ҳам шу эзу мақсад ту-рибди.

Шу йилнинг 23 — 26 ав-густ кунлари Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб халқ билан очик мулоқот-лар ўтказди, сайловчилар-ни ўйлантириб келаётган масалаларни ўрганди, уларни ижобий ҳал этиш чораларини кўрди.



# СТРАТЕГИЯ — МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган устувор мақсад ва вазифаларнинг нечоғли

ҳаётлиги, халқчиллиги юзасидан кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, парламент аъзолари ўз муносабатларини билдирмоқда.

Албатта, ушбу ҳужжатлар келгуси етти йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб бергани билан аҳамиятлидир. Бу ҳақда парламент куйи палатаси депутатлари фикрлари билан қизиқдик.

## Акс садо

Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимизнинг Сайловолди дастурида кейинги 7 йилда таълим ва табибёт тизимини тубдан ривожлантириш борасида аниқ мақсадли режалар эълон қилинган эди. Дастурда билдирилган ушбу йўналишлардаги фикрлар, режалар, тақлифлар “Ўзбе-

кистон — 2030” стратегиясида акс эттирилиб, биринчи навбатда, таълим ва табибёт тизимидаги ислохотларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, педагог кадрлар ма-комини ошириш, уларнинг били-ми ва малакасини халқаро стан-дартларга мувофиқлаштириш мақсадида минг нафар тарбиячи ва ўқитувчиларни хоржиий мам-лакатларга малака ошириш ва

стажировкага юбориш, бошлан-ғич синф ўқитувчиларининг ўқув юкламасини 16 соат, юқори синф ўқитувчиларига эса 18 соат этиб белгилаш, олис ва чекка худуд-ларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчи-ларини учун бепул мактаб автобу-сларини йўлга қўйишдек муҳим масалалар ўрин олган.

Бошқача айтганда, таълим ти-

зимининг барча босқичида бош-ланган ислохотлар жадаллик билан давом эттирилиши мақсад қилинган. Яъни 2023 — 2030 йил-ларда болаларни мактабгача таъ-лим ва тайёрлов гуруҳлари билан қамраб олиш даражаси 100 фоиз-га етказилади. Бунинг учун 2 минг-та янги боғча бунёд этилади.

Мактабгача таълим ташкилотла-ри 100 фоиз тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминла-нади. Шунингдек, умумий ўрта таъ-лим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастури амалга оширилади. Натижада 2023/2024 ўқув йи-лидан бошлаб ҳар йили 500 минг янги қувватлар ташкил этилиб, ўқув ўринлари сони 7,5 миллион-тага етказилади.

Айтиш жоизки, бу жараёнда

ўқувчи-ёшларимизнинг олий таъ-лим олишга бўлган интилишлари-ни ҳам тўлақонли қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Ху-сусан, бу борадаги кўрсаткич да-ражаси камида 50 фоизга еткази-либ, давлат гранти асосидаги қабул параметрлари 2 баробарга оширилади.

Бундан кўриниб турибдики, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси-нинг ҳар бир банди мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз манфаат-ларига хизмат қиладди. Эеро, у ҳар биримизнинг ҳаётимиз учун жуда муҳим дастурий ҳужжатдир. Шун-дай экан, унда белгиланган вазифа-лар ижросини таъминлашда биз, депутатлар ҳам камарбаста бўлишимиз керак.



# ТИНЧ-ОСОЙИШТА, ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТДАН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЗБЕКИСТОН ИНТИЛАДИГАН ЭНГ МУҲИМ МАҚСАД ВА АСОСИЙ ВАЗИФАДИР

Маданий-гуманитар ришталар, "халқ дипломатияси", парламентлараро алоқалар сезиларли даражада жаддалашди, бунинг натижасида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик алоқалари янада мустаҳкамланиб, жаҳон ҳамжамиятининг Марказий Осийё давлатлари билан шериклик муносабатларига қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида шу кунларда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган минтақавий тадбирлар — Марказий Осийё товар ишлаб чиқарувчилари кўргазмаси, иқтисодий форум, минтақа давлатлари олий ўқув юртлиги ректорларининг иккинчи форуми, Марказий Осийё давлатлари транспорт вазирларининг биринчи учрашуви, Етақиб аёллар мулоқоти аъзоларининг минтақавий йиғилиши, расомлар кўргазмаси, олимплар форуми, миллий таомлар фестивали, ёшлар форуми ва бошқаларни қайд этиш керак.

Минтақанинг умумий муаммоси — Орол денгизининг қуриши ва унинг оқибатлари бўлиб қолмоқда. 1993 йилда Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси натижасида ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚЖ) ва унинг ташкилотлари мамлакатларимиз ўртасидаги музокаралар жараёни, трансчегаравий сув ресурсларини комплекс бошқариш, улардан фойдаланиш ва сақлаш бўйича икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномалар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун ажралмас сиёсий платформага айланди.

Консолидацияланган ёндашув ва биргаликдаги амалий ҳаракатлар жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ушбу муаммога қаратиш имконини берди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди, БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осийё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида" ва "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциялари қабул қилиниши ана шу қадамларнинг натижаси бўлди.

Бунинг кунда минтақа давлатлари Орол денгизи хавзасидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар шариоитидан чиқиб йўлларини биргаликда изламоқда. Минтақадаги барча давлатлар билан икки томонлама сув комиссиялари тўғрисида, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича уч томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилди. Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ислоҳ қилиш жараёни давом этмоқда.

ОҚЖ ташкил этилганидан буён таъсисчи давлатлар узок йўлни босиб ўтди. Жамғарманинг маҳаллий бўлиmlари тўртта асосий йўналиш — сув ресурслари, энергетика, экология ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Лойиҳалар Орол денгизи хавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича 3 та ҳаракат дастури доирасида ижро қилинди. Ҳозирги вақтда уларни амалга оширишнинг 4-доираси давом этмоқда.

Марказий Осийёда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари тобора кенгайиб бораётганини фондида ОҚЖнинг роли янада кучаймоқда. Жамғармага минтақадаги энг назим муаммолардан бири — озик-овқат хавфсизлиги ва умуман, инсон ҳаётининг кафолати бўлган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини ҳал этишда катта умид болганган.

Реал воқеалар, экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳаракатдаги янги таҳдидларга ва талаблардан келиб чиқиб, жамғармага таъсисчиларнинг қарори билан ОҚЖнинг ташкилий тузилмаси ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнини бошлаш масаласи анчадан буён кун тартибига қўйиб келинмоқда.

Ушбу ташаббусни амалга ошириш учун ОҚЖ кенгашининг 2018 йил 30 январдаги қарори билан тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари орасидан ОҚЖнинг ташкилий тузилмаси ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича Минтақавий ишчи гуруҳ (МИГ) ташкил этилди. Унда таъсисчи давлатлар ва жамғарманинг таркибий бўлинмалари, Марказий Осийё мамлакатлари мутахассислари ва халқаро

маслаҳатчилар ҳам жалб қилинди. Бугунги кунга қадар МИГнинг 10 та йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, кўп томонлама мулоқот формати — Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ОҚЖ доирасидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришда муҳим омил бўлди. Шу боис давлат раҳбарларининг навбатдаги бешинчи Маслаҳат учрашуви ОҚЖ саммити билан уйғунлашгани рамизий маънога эга. Бу минтақа давлатлари раҳбарларининг экологик муаммоларга, шу жумладан, Орол денгизи инқирозининг оқибатларини бартараф қилишга қанчалик катта эътибор қаратаётганини яна бир бор намоиш этди.

ОҚЖ саммити яқунлари жамғарма таъсисчилари бўлган давлатлар муносабатларининг мулақо янги йўналишини барпо қилиш, ташкилот фаолиятини такомиллаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш имконини бериши кутилмоқда.

Хулоса ўрнида шуну айтиш мумкинки, Душанбеда бўлиб ўтадиган муҳим саммитлар минтақада ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, Марказий Осийё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, минтақа халқларининг фаровон ва осойишта ҳаётини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

«Дунё» АА.

## ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА КАМСИТИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Шунингдек, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун ҳам ўзгаришлар киритилмоқда. Унга кўра, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ижро қилиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарилган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланадиган

меҳнат фаолияти турларига киритилади. Бу ўзгариш билан озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади.

Мазкур қонун лойиҳасига масъул бўлган Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасига қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партияларнинг фракциялари хулосаларини олиш ҳамда уни биринчи ўқишда қўриб чиқиш учун киритиш вазифаси юклатилди.

### Коррупциявий ҳолатларга барҳам берилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган қорхоналар, ташкилотлар, ишноотлар ва бошқа объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш юзасидан қарор қабул қилиш мезонларини қайта қўриб чиқишга қаратилган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси Кенгаши аъзолари атрофли чамуқамадан ўтказиш учун қабул қилди.

Унга асосан, "Экологик назорат тўғрисида"ги ва "Табиатий муҳофазат қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларига ўзгаришлар киритилмоқда.

Яъни амалдаги нормага кўра қорхоналар, ташкилотлар,

ишноотлар ва бошқа объектлар фаолиятини фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал таҳдид юзага келишининг олдини олиш муносабати билан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш мумкин эди. Бу ерда "бошқа реал таҳдидлар" ҳар хил талқин қилиниб, коррупциявий ҳолатлар юзага келар эди.

Киритилаётган ўзгаришларга кўра "бошқа реал таҳдидлар" жумласи "атроф табиий муҳитнинг меъридан ортиқча даражада ифлосланиши натижасида" сўзлари билан алмаштирилади. Бу билан коррупциявий ҳолатларга барҳам берилади.

### Бизнес-омбудсман мақоми аниқлаштирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) институти ташкил бўлганидан буён тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтирди.

Бизнес-омбудсман тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш кафолатларини давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқчи муҳофазатчи ва назорат қилувчи органлар томонидан таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Албатта, Бизнес-омбудсманнинг самарали иш олиб боришида унинг ташкилий жиҳати муҳим аҳамият касб этди. Шу сабабли, қонун лойиҳаси билан

"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига муҳим ўзгаришлар киритилмоқда.

Яъни Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун юридик шахс ҳуқуқига эга давлат органи бўлган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг девонини ташкил этиш тақлиф қилинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасига Сулоноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси масъул этиб белгиланди ва биринчи ўқишга тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

## Сенатор ва ҳаёт

### ГАМХҲҮРЛИК — ИНСОНИЙ БУРЧ

Кекса ёшдаги, бемор ва ёлғиз инсонлардан хабар олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Чунки кекса одамлар мулоқотга, гамхўрлик ва эътиборга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир.

Сенат аъзолари маҳаллий Кенгаш депутатлари, вилоят ҳокимлиги вакиллари билан биргаликда "Эътибор ва гамхўрлик — инсоний бурчидир" таъминоти асосида ёлғиз яшовчи кексалар, соғлиғида муаммолари бор фуқаролар ҳолидан хабар олмақда.

Жумладан, кунчи кеча Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф. Саъдуллаева, Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари билан Махтумқули маҳалласида яшовчи Азимбой Мадаминов хонадонидан бўлиб, унга электрон ногиронлик аравачаси топширилди.

Шунингдек, Моноқ маҳалласида истиқомат қилувчи Омонгул Матосупова ва Огаҳий номидига маҳаллада яшовчи Зеваржон Жуманиязованинг фарзандига замонавий ногиронлик аравачаси берилди. Қолаверса, Тўқмангит маҳалласи фуқароси, 97 ёшли Шарифа момо ҳам йўқланди.

Шу билан бирга, сенатор Урганч шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан — Исломобод маҳалласида яшовчи икки нафар вояга етмаган фарзандларни бир ўзи тарбиялаётган Ширин Жуманиязова ҳамда ногиронлиги бўлган Манзура Матназаровадан ҳол сўради. Наврўз маҳалласи аҳолиси билан учрашиб, уларнинг турмуш шароити, муаммолари билан қизикди. Оилаларга озик-овқат маҳсулотлари тўплами топширилди.

«Халқ сўзи».

## СТРАТЕГИЯ — МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

### Жамшид КОСИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Маълумки, юртимизда сўнгги йилларда дунё молиявий бозорини катта суръатлар билан забт этаётган исломий муолия тизимига бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 95 фоизини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этади ва 15 — 20 фоизга яқин аҳоли анъанавий кредитлаш тизимидан фойдаланишни хохламайд.

Шу боис юртимизда ҳам мусулмон бўлмаган давлатларда фаол ривожланган муқобил кредитлаш тизими хизматидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, мутахассисларнинг айтишича, агар Ўзбекистонда ҳам ушбу тизим тўла жорий қилинадиган бўлса, бу мамлакатга қўшимча йилга 10 млрд. долларгача инвестиция жалб этилиши таъминланади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида айнан ушбу масала ҳам эътиборга олингани ушбу ҳужжат, ҳақиқатан ҳам, одамларнинг хоҳиш-истаклари асосида ишлаб чиқилганининг яна бир исботидир. Хусусан, камида 3 та тижорат банкида ислом молияси мезон ва тартиблари жорий этилади ва шу асосида ислом молиясининг қонуний асослари шакллантирилади.

Шу ўринда, бугун мамлакатимиз учун энг оғирлиқ масала — "яшил" иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш бўйича ҳам устувор вазибалар белгиланганига алоҳида тўхталиб лозим.

Саноатда "яшил сертификат"лар бозорини ривожлантириш орқали қайта тикланувчи энергия истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш, шаҳарлардаги жамоат транспортини экологик тоза ёнилғига ўтказиш, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самардорлигини 2 баробарга ошириш, барча турдаги энергия ресурслари ҳисобини юритишни тўлиқ рақамлаштириш шулар жумласидандир.

Таъкидлаш лозимки, янги Ўзбекистон-

ни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда асосий ҳужжат ҳисобланаётган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг айрим бандлари ижросини таъминлаш ишлари амалда бошланган. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ҳужжатга мувофиқ имзоланган қарори эса бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

### Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг бешинчи — "хавфсиз ва тинчлик-севар давлат" таъминоти асосланган сиёсатини изчил давом эттириш йўналишида ҳам қатор мақсадлар, ташаббуслар ўрин олган.

Стратегиянинг ушбу йўналишида урғуланган — хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот тизимини жорий этиш борасида белгилаб берилган вазибалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хусусан, ватандошлар томонидан йўлга қўйилган жамоат бирлашмалари фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларнинг сонини 300 тага етказиш, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, маданият, санъат ва хунармандчилик йўналишидаги олийгоҳларда хориждаги ватандошлар учун 200 та грант ажратиш кўзда тутилган. Шунингдек, ватандошлар иштирокида тиббиёт, таълим ва илм-фан соҳаларида 100 та лойиҳани амалга ошириш, ватандошлар жамоат бирлашмаларига етказиб бериладиган бадиий адабиётлар сонини 100 мингтага кўпайтириш муҳим аҳамият касб этди.

Биз — депутатлар, шу билан бирга, ЎзЛиДеП ҳам бу борада ўзининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унга кўра хорижда меҳнат қилаётган ва таълим олаётган ёш ватандошларимиз билан тизимли мулоқотларни ташкил этиш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган "Ватандошга маслаҳат" акциясини амалга ошириш кўзда тутилган.

Умуман олганда, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазибалар иж-

росини таъминлаш парламент вакиллари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

### Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Стратегик мақсадларни ўз ичига олган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси замирида, қонунчилик ва ижро ҳокимиятини такомиллаштириш, илҳам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, ижтимоий соҳа ва хизматларини ривожлантириш, тадбиркорликка имкониятларни кенгайтириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадларини кўпайтириш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасида "яшил" иқтисодиёт, "яшил" энергия таъминоти янада кенг жорий этилади. Инвестициялар жалб қилиш кўпайтирилади, саноат ривожлантирилади.

Ўзбекистон "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириши учун барча имконият ишга солинади. 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми 160 млрд. долларга етказилади.

Чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги ҳаракатлар изчил давом эттирилади. Аввало, минтақамиз мамлакатлари, ҳамкор давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар янги босқичга кўтарилади. Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш ҳам долзарб вазифага айланади.

Мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб беришчи мазкур дастурийлашма ҳужжат ҳалқимизнинг эркин ва фаровон, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун имкониятлар яратишни таъминлайди. Ва у айни чоғда соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

## АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Учрашувлар давомида депутатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида олиб борилган тизимли ислохотлар ҳамда янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказди. Қолаверса, "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" давлат дастури доирасида юртимизни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар ҳамда эришилётган натижалар ҳам мулоқотларнинг асосий мавзусига айланди.

Депутатлар маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда худудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши, шу жумладан, аҳолини, ижтимоий соҳа объектларини, айниқса, тиббиёт ва таълим муассасаларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш бўйича белгиланган вазибалар ҳамда бу борада қўрилатган чора-тадбирлар ҳолатини ҳам ўрганди. Халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг котиб-ятлари, доимий комиссиялари, партия гуруҳлари фаолиятининг самарали йўлга қўйилишига амалий ёрдам кўрсатди.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасида қўрилатган айрим қонун лойиҳалари юзасидан жойларда жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилиб,

аҳолининг фикр-мулоҳаза ва тақлифлари олинди. Айтиш жоизки, қуйи палата депутатларининг худудларда ўрганишлари чоғида жами 1 301 та объектга, жумладан, 227 та маҳалла фуқаролар йиғини, 503 та хонадон, 285 та ижтимоий соҳа объекти, 167 та тадбиркорлик субъектига ташриф буюрилди. Жойларда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиниб, 571 учрашув ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқароларнинг қабуллари ҳам ташкил этилиб, уларда сайловчилар томонидан жойларда одамларни қўйиб келаётган қатор масалаларга ижобий ечим топилди. Аниқроқ айтганда, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган айрим масалалар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини берди.

Депутатларнинг худудлардаги учрашувлари яқунлари юзасидан сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари ўз муносабатларини билдирди.

### Одинахон ОТАХОНОВА, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарду ташвиши ётади.



давлатимизга ва олиб бораётган ислохотларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Шу жиҳатдан, сайловчилар билан бу гагли учрашувларимиз ҳам самарали ва натижаларга бой бўлди. Одамларни ўйлантириб келаётган қатор масалаларни сектор раҳбарлари билан биргаликда жойида ҳал этишга эришдик. Бундан ташқари, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида фуқароларга турли йўналишларда ҳуқуқий маслаҳатлар бердик.

### Турсунной МУРАТОВА, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

— Аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, халқ билан яқиндан мулоқот ўрнатиш, оғирини енгил қилишга кўмаклашувчи фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган. Жойларда учрашувларимиз давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувват-

лаш, уларнинг мавжуд яшаш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хусусан, Кўрғонтепа туманидаги "Бирлашган" МФЙда яшовчи фуқаролардан тушган мурожаатлар тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойида бартараф этилди. Шунингдек, янги қабул қилинган қонунлар, хусусан, янгилашган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказдик.



### Ойдин АБДУЛЛАЕВА, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Учрашувлар давомида Тошкент шаҳрида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини тўдан яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Шунингдек, ижти-

моий ва иқтисодий соҳа объектлари, маҳаллалар, аҳоли хонадонлари ҳамда бозорлар ва савдо марказлари ҳамда бўлиб, халқ билан юзма-юз учрашувлар ўтказган ҳолда сайловчиларни ўйлантириб келаётган масалаларни бартараф этиш чораларини кўрдик. Жумладан, аҳолининг малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга имтиёзли даволаниш учун ордер олишда кўмаклашилди.

### Урол ҲАБИБОВ, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳаёт олди-мизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечим ҳақида му-тасиял қайғуриш, бу йўлда фидойи бўлиб ҳаловатдан воз кечиб ва одамлар дарди билан яшашни даврнинг ўзи ҳар биримиздан талаб этмоқда. Шу боис мулоқотларимиз давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, мактабларда таълим сифатини янада яхшилаш, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самардорлигини ошириш, электр энергияси таъминотини та-

комиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини янада кучайтириш каби муҳим масалалар диққат марказимизда бўлди. Зеро, мурожаатлар ўз вақтида ечим топса, одамларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлади, улар олдига қўйган мақсад сари интилади. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам халқ ишончини оқлаш ва уларни рози қилишдир.

### Наврўз ЮСУПОВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштирилади. Ҳар бир инсон эртанга эмас, бугун яшашни истайди. Илгари депутатлар бир йилда уч-тўрт марта учрашувларга чиққан бўлса, эндиликда ҳар ойнинг охирига ҳафтаси сайлов округида бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда.

Бул гагли учрашувларимиз давомида, энг аввало, аҳолининг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, дуч келаётган муаммоларига алоҳида эътибор бердик. Маҳалла-маҳалла, хонадон-маҳалладан юриб, одамларнинг муаммоларини ўргандик. Фуқароларимиздан тушган қатор мурожаатларни жойида бартараф этиш чораларини кўрдик.

# ҲАМКОРЛИК — СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Бугунги кунда дунёнинг энг илгор давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлик олиб бораётган Венгрия — эркин бозор иқтисодиётига ўтган ва изчил ривожланаётган мамлакат.

## Нуктаи назар

Венгрия ва Ўзбекистон муносабатлари ҳақида сўз кетганда, алоҳида таъкидлаш жоизки, бу икки мамлакат кечаги ҳамкорлар эмас, уларнинг муносабати ўз тарихий илдизларига эга. Қадим Шарқда «Можористон» дея аталмиш венгерлар заминини минг йилларки, туркий эллар билан яқин ришталар боғлаб туради. Тарихан, миллий қахрамонлари саналадиган хун императори — Атилла (430 — 453 йй.) ва илк қиролликка асос солган Алмушон (IX аср) каби ҳукмдорлар бошқарувини кўрган бу доно халқ ўтмиши, ўзлигини сақлашга ҳамиша интилиб келган.



Халқларимиз маданий алоқаларида сайёҳ, тилшунос, ёзувчи ва шарқшунос Ҳерман Вамберининг ўрни беқиёсдир. У XIX асрда мамлакатимизга қилган сафари натижасида тарих ва тилшунослик, фольклор ва этнография ҳамда географияга оид асарлар ёзган. Шунингдек, у Навойи, Ғазулий, Насимий, Сўфи Оллоёв ғазалларидан олинган намуналарни ва юздан ортқ ўзбек мақолларини немисчага таржима қилган. Таржималарини эса араб, туркий ёзувида ҳам келтириб ўтди, латин ва немис тилларини қийсий ўрганган.

Вамбери бошлаб берган бу аъна давом этди ва ўзбек адабиёти намояндalarининг асарлари венгер тилига ҳам ўгирилди. XIX асрда яшаб ижод қилган, венгер адабларининг илк таржимони Исҳоқ Иброҳим ҳам халқимизни можор адабиёти билан таништиришда муҳим ўрни тутди. Ҳозирги кунда Лайош Кашшак, Геза Сеч, Янош Сентмартон, Йожеф Ратко каби венгриялик ижодкорларнинг асарлари ўзбек китобхоналарига яхши таниш.

Яқинда эса атоқли венгер шоири Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан унинг ижод намуналари шоир Рустам Мусурмон жонбозлигида ўзбек китобхоналарига тақдим қилинди. Натижада ўзбек ўқувчилари Шандор Петёфининг «Озодлик» деб номланган тўпламидаги юз шеърни она тилида ўқиш имкониятига эга бўлди.

Бугун эса қарийб 10 миллион аҳолига эга Венгрия кўп миллатлиги, бетақор ва турфа маданият билан дунё нигоҳини тортмоқда.

Хусусан, Венгрия — Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни сиёсий жиҳатдан энг юқори даражага олиб чиққан дастлабки мамлакат саналади. Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мана, 30 йилдирки савдо-иқтисодий, сармовий, қишлоқ хўжалиги, туризм, фармацевтика, таълим ва илм-фан соҳаларидаги алоқалар фаол давом этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлиги ўз тараққиётининг янги босқичини кечирмоқда. Айниқса, илм-фан, олий таълим соҳасидаги шериклик жадал ривожланаётган.

Хусусан, 2021 йил 24 ноябрь куни Фарғона давлат университети билан Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаётий фанлар университети ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Меморандумда белгиланган ҳамкорлик йўналишларидан асосийси — узумчилик бўйича қўшма факультет ташкил этишидир. Шундан сўнг Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаётий фанлар университети ректори Чаб Дюрица бошчилигидаги делегациянинг таширифи доирасида Фарғона давлат университети ҳамда Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаётий фанлар университети ўртасида қўшма факультет очиш ҳамда фаолиятини кенгайтириш, аграр соҳа — боғдорчилик ва сабзавотчилик бўйича узоқ мутахассислар тайёрлаш, академик алмашинувлар орқали бакалавр, магистр, ёш илмий тадқиқотчилар

ҳамда профессор-ўқитувчилар билими, кўникма ва малакасини ошириш каби муҳим йўналишларда ҳамкорликнинг тамал тоши қўйилди. Шунингдек, олийгоҳимизда очилган Венгрия ўқув хонаси ҳар икки мамлакат талабаларининг тил ўрганиши, билимларини бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили жавоб таширифида эса университетимиз олимлари қишлоқ хўжалиги соҳасида Венгриянинг бой илмий тажрибасини ўрганди, узумчилик, доривор ўсимликлар етиштириш, қайта ишлаш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаётий фанлар университети билан ҳамкорликда халқаро илмий форум ташкил этилди. Ҳозирда қўшма факультет фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича музокара олиб борилаётган. Хусусан, узумчилик ва виночилик мутахассислиги бўйича 1+1 қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш ишлари жадал бормоқда. Бу орқали талабаларимиз Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаётий фанлар университетида бир йил давомида таълим олиш ва амалиёт ўташ имкониятига эга бўлади.

Жорий йил август ойида Венгриядаги мазкур университет ректорининг Ўзбекистонга таширифи чоғида профессор Чаб Дюрица Фарғона давлат университети «фахрий доктори» унвони берилгани эса илмий ришталарни янада

муштаҳамлашга замин яратиши, шубҳасиз.

Яқинда Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаётий фанлар университетида Венгрия маданияти ва инновация вазири Янош Чак, ушбу университет президенти Шандор Чани иштирокида янги ўқув йилининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Айни шу форум доирасида каминга Венгриядаги мазкур университет Сенати томонидан «фахрий доктор» унвони тақдим этилганини мамлакатимизда илм-фан ва олий таълим тизими ривожига берилган баҳо сифатида қабул қилдик.

Қисқача айтганда, ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси тараққиёт босқичига илм-фан, таълим, маданият ва маънавиятга этибор бергани учун эришган. Шу маънода, илм-фанни қалбига жо этган фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг муносиб издошлари ва давомчилари этиб тарбиялаш, юртимиз шаъни ва шарафини янада юксакларга кўтариш — барчамизга дахлдор бўлган олий бурч. Бу борада Ўзбекистон етакчилиги юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган, замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида этибор қаратаётгани барчамиз учун ибрат намунасидир.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**  
Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.



## БИОИҚТИСОДИЁТСИЗ БАРҚАРОР ЮКСАЛИШ МУМКИНИ?

«Ўзбекистонда биоиқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда инновация, илгор тажриба ва имкониятлардан самарали фойдаланиш» мавзусидаги халқаро симпозиумда Финляндиянинг JAMK университети «BioEcuJZ» лойиҳаси координатори Кирси Кнууттила ёғоч чиқиндисидан тайёрланган, қурилиш ва табиёт соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган экологик тоза маҳсулотни намойиш этди.

### Симпозиум

Бухоро давлат университетида Европа Иттифоқи «ERASMUS+» дастурининг молиявий кўмагида ташкил этилган тадбир иштирокчиларидан нафақат бу, балки биоиқтисодиёт соҳасида Латвия, Литва, Финляндия каби давлатларда тўпланган тажриба ҳам

Хорижий мутахассисларнинг эътирофига кўра, юртимиз бу борада катта имкониятларга эга. Буларни юзага чиқариш эса малакали кадрлар тайёрлаш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва қўллашга боғлиқ. Масалан, Литвада зи-



катта қизиқиш уйғотди. Таъкидлаш ўринлики, Бухоро давлат университетида муҳим соҳалардан бири — биоиқтисодиёт йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу бежиз эмас. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш дастурида ҳам ушбу масалага жуда катта этибор қаратилган. Зеро, биоиқтисодиётсиз барқарор ривожланишни тасаввур этиш мушкул.

«BioEcuJZ» лойиҳаси контент координатори, Бухоро давлат университети доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди Махмуд Ориповнинг айтишича, мамлакатимизда Ўзбекистон учун ноъбанавий бўлган биоиқтисодиёт соҳасига эътибор кучаймоқда. «Яшил» энергетика, қайта тикланадиган энергия манбалари нафақат илм-фан, балки оддий сўзлашув тилига ҳам аллақачон кириб келди.

— Тилимизга «биоиқтисодиёт» деган тушунча кириб келганига унчалик кўп вақт бўлмади, — дейди М. Орипов. — Истеъмолга яроқсиз ҳолга келган маҳсулотларни ёки чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш йўналишининг ўзагини ташкил этади.

фир ишлаб чиқаришга рақобатчи сифатида қараётган рапсга устувор аҳамият берилмоқда. Бунда Европа Иттифоқининг биологик ёнилиги ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати муҳим роль ўйнамоқда.

Литва статистика департаменти маълумотларига қараганда, 2005 йилда мамлакатда 201 минг тонна рапс дони етиштирилган. Бу кўрсаткич 2020 йилда 900 минг тоннани ташкил этиб, 15 йилда 4,48 марта ўсишга эришилган. Мамлакатда рапсчилик йўналишида чиқиндисиз ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этилган. Ҳозир Литвада сотилаётган барча дизель ёнилғиси таркибининг 7 фоизи биоёнилғи аралашмасидан иборат.

Бинобарин, хорижий тажрибани ўрганиш, уни маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда бойитиш биоиқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш имкониятини кенгайтиради. Халқаро симпозиум шу нуктаи назардан соҳа ходимлари, ёш мутахассислар учун фойдали бўлди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**  
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

## Мактабгача таълим

# Ёш авлод камолоти йўлидаги ўзгаришлар

Чироқчи туманининг Хумо маҳалласида жойлашган 140 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти ўта таъмирталаб аҳволга келиб қолган ва бу ҳудуд аҳлининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Жорий йилда эса ушбу муассаса маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан капитал реконструкция қилиниб, қайтадан фойдаланишга топширилди. Энди маҳалладаги болажонлар замонавий киффа касб этган ва ётарли шарт-шароитларга эга бўлган боғчада таълим-тарбия олишди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, боғча ёшидаги болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамровини оширишга алоҳида



эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили юзлаб янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Натижа чекка-чекка ҳудудларда ҳам замонавий боғчаларнинг кўпайиши, мактаб ёшигача бўлган болаларни таълим ва тарбияга қамраб олиш кўлами ошиб бораётганида намоён бўлмоқда. Биргина Чироқчи тумани мисолида оладиган бўлсак, бундан беш-

олти йил аввал ҳудудда саноклигина мактабгача таълим муассасаси фаолият юритар, болаларнинг боғчага қамров даражаси эса 10 фоизга ҳам етмасди. Бугунги кунда эса туманда 279 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда.

— Уларнинг 20 таси давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлса, 7 таси давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамда 252 таси оилавий боғчалар ҳисобланади, — дейди туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари ўринбосари Шавкат Байжигитов. — Бугунги кунда ушбу мактанларда 13,5 мингдан ошқ болалар таълим ва тарбия олмақда.

Дарвоқе, Дурсун маҳалласида 150 ўринли, Буронжун маҳалласида 90 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилотлари янгидан қуриляпти. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан яна 50 та оилавий боғча очиб бўйича ишлар олиб борилаётган. Ушбу муассасалар ишга туширилган, яқин ойлари ичида туманда болаларнинг боғчага қамров даражаси 60 фоиздан ошади.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Кўҳна довон сирлари

Анджон вилоятининг Марҳамат туманида айни шу мавзуда археология ва туризм форуми бўлиб ўтди.

### Форум

Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой давлатлари олимлари иштирокидаги ушбу форумда ҳудуддаги Мингтепа ёдгорлигида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

— Мингтепа Фарғона водийсидаги йирик шаҳарнинг кўҳна харобаси ҳисобланади, — дейди Хитой илмий фанлар академияси археология институти профессори Лео Тао. — Шу кунгача амалга оширилган тадқиқот ишлари унинг Довон давлати Эрши шаҳри эканлигини тасдиқламоқда. Айни пайтда Хитой ҳамда самарқандлик олимлар иштирокида бу ерда илмий излашлар олиб бориляпти. Натижада ер остида қолган шаҳарнинг девори ҳамда қабристон топилди. Тадқиқотлар инсон суяклари

миллодан аввалги I-II асрларга мансуб эканлигини кўрсатди. Бугунги форум бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада жонлантиради, деб ишонаман.

Форум давомида Фарғона водийсининг қадим ҳамда Ўрта асрлар археологияси, этнографияси, тарихий муаммолари ва уларнинг таҳлили оид маърузалар тинланди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Тиббиёт

# ЮКЛАМА 11 МИНГ 800 КИШИГА КАМАЙДИ

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Янги куч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 11-оилавий поликлиника биноси фойдаланишга топширилди.

Қарийб етти минг киши истиқомат қилаётган маҳаллада бунёд этилган ушбу тиббиёт муассасаси вилоятдаги 246-бирламчи бўғин тиббий хизмат маскани сифатида иш бошлади. Беш йил аввал эса бор-йўғи 128 та шу каби муассаса фаолият кўрсатиб, вилоят бўйича 300 минг нафарга яқин аҳоли дастлабки ва енгил тиббий хизматда муайян қийинчиликка дуч келарди.

— Шу беш йил ичида иккита оилавий поликлиника, ўттизга яқин оилавий шифохоналар ҳамда салкам тўқсонга маҳалла тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилди, кундузги стационарларда ўринлар сони салкам икки бараварга оширилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Орзиғул Аззамова. — Натижада марказий тиббиёт муассасаларининг юкلامаси 11 минг 800 кишига камайиб, бирламчи тиббий бўғинда эса қатнов 58 минг 600 кишига ошди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида шифокорларнинг малакасини ошириш, тиббиёт муассасаларини замон талабиди тиббий ускуналар билан таъминлаш, мураккаб жарроҳлик операцияларини йўлга қўйиш ишларида ҳам

бир қатор янгиланишлар кўзга ташланади. Хусусан, сўнгги йилларда 85 турдаги мураккаб даво муолажаларининг ўзлаштирилиши натижасида биргина утган йили 1 300 нафар бемор вилоят тиббиёт муассасаларида шифо топди.

Вилоятнинг Қизилтепа ва Хатирчи туманларида туманлараро тиббий марказлар фаолияти йўлга қўйилиши ҳамда 16 турдаги янги жарроҳлик операцияларининг ўзлаштирилиши 3 мингга яқин беморларнинг туман доирасида дарддан фориг бўлишига замин яратди. Албатта, бунда республика ихтисослаштирилган клиникалар ва хорижий малакали шифокорларнинг вилоятга жалб этилиши айни мuddа бўлди.

«Янги куч» МФЙда замонавий оилавий поликлиника ҳамда Қизилтепа ва Хатирчи туманлари тиббиёт муассасаларига янги тиббий ускуналарнинг фойдаланишга топширилиши тантаналарида юқоридаги маълумотлар очикланар экан, юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш инсон қадрли улугланишининг муҳим шарти эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Темур ЭШБОЕВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Касбга тайёрлаш

# МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини шартнома асосида чет эл меҳнат бозорида талаб этилган мутахассисликлар бўйича ўқитиш ҳисобланади. Шунингдек, меморандумда ўқиш давомида фуқароларда ватанпарварлик туйғусини кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш белгилаб қўйилган.

Ҳозирги кунда Европа давлатлари, хусусан, Германия, Литва, Латвия, Словакия ва Польшада техник касб мутахассисларига бўлган юқори талабни «Ватанпарвар» ташкилоти имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қондириш мақсад қилинмоқда. Айниқса, айни пайтда Европада 10 мингдан зиёд «СЕ», «D» тоифадаги ҳайдовчиларга ва минглаб турли техник касб эгаларига эҳтиёж сезилаётганлиги ўз-ўзидан турли мамлакатлардан, жумладан, Ўзбекистондан бундай касб мутахассисларининг

ушбу минтақа давлатларига бориб ишлаши учун имконият яратмоқда. «Ватанпарвар» ташкилотининг 210 дан ортқ ўқув муассасаларида республика бўйлаб йилга ўртача 150 минг нафар фуқаро ҳайдовчилик касбига ҳамда яна минглаб фуқаролар техник хизмат кўрсатиш ва мураккаб техникаларни бошқариш мутахассисликларига тайёрланмоқда. Ўз навбатида, ушбу омил ташкилотнинг Европа давлатлари талабини қондириши мумкин бўлган малакали кадрларни етакзиб бериш қувватига эга эканлигини англатади.

Меморандум имзоланиши жараёнида «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси Ҳусан Ботиров ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи Жаҳонгир Хидайтоҳжоев мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ўз мuddатида сифатли бажарилишини таъминлашга ва истиқболдаги режаларни келишиб олди.

**«Халқ сўзи».**

**«Халқ сўзи».**

# Ёниқ туйғулар мусаввири

Шеър ва шоирлик ҳамма замонларда ҳам кўнгил иши бўлиб келган. Халқимиз ўз эркини қўлга киритганидан кейин мустақиллик даври шеърятда руҳият манзаралари янада кенг тасвирлана бошлади. Чинакам шоирлик кўнгилда кечган чин туйғуларни гўзал сўз билан мисраларга тизиб ва бу билан ўқувчисини ҳам мувозанатдан чиқариб, ўзининг ҳолатига сола билишдир. Истеъдодли шоир ўқувчисини ўзига ошно қилиб, унинг кўнглидаги яширин хисларни кўзгаб кўяди, мижжаларига ёш қақиради ёки лабларига ним табассум югуртиради. Чунки унинг ўқиганлари гўзалликдан ҳисланган ҳайрат, муҳаббатдан туюлган лаззат, ҳижрондан чекилган машаққатлар ифодаси бўлади.

## Бадият олами

Шеърят дунёсида ўз мухлисларини кўнгил дардларига ошно эта билган ижодкорлардан бири — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Абдулла Шердир. Унинг “Гул йиллар, булбул йиллар” номли сайланмасида жамланган битиклари шу маънода диққатга сазовор.

Шоир бир шеърда: “Сулвларнинг сулувларига Мисра қилиб қалбини тутаман” дейди. Анг-лашиладики, маъшук сулув эмас, сулувлардан сулувроқ. Унинг гўзаллиги даражаси моҳиятга чуқурроқ кирилганда янада ойдинлашади. Маъшук учун мисраларга беркитилган қалб, яъни инсонга Аллоҳ томонидан берилган энг азиз ва муқаддас неъмат — кўнгил қурбон қилинапти. Қалб — Аллоҳнинг инсондаги мулки. Унда инсонни яратган қудратнинг бир бўлаги — нафаси бор. Ошиқ қурбон шундай ноёб неъматни машуқга қурбон қила билиш чин ошиқлик не эканини англаган сўзчиларнинг қўлидан келади, ҳоло.

Муҳаббат мавзуси жуда қадимий. Минг йиллардан бери шоирлар унга мурожаат қилади. Лекин бирортаси бир-бирини такрорламайди. Абдулла Шер ҳам бундан мустасно эмас. У ҳам ўз йўлидан бориб, бу туйғунинг ўзига хос тарзда тасвирлайди. Шоир ижодида ижтимоий йўналишдаги, Ватан озодлиги, инсон матонати, фарзандлик бурчи ва ҳоказо мавзуларга бағишланган шеърлар ҳам бир дунё. Лекин унинг муҳаббат мавзусидаги битиклари, кўнглидаги туйғулар ифодасининг ўзига хослиги ўқувчи диққатини тортади.

Абдулла Шернинг муҳаббат мавзусига бағишланган шеърларида бўса тимсоли алоҳида ўрин эгаллайди. У бўсани айрича ҳис қилади, унинг жаннатий исини туюди. Дунёларни куйдирувчи қўрнмас оловнинг тафтини ҳис қилади. Шоир бўсада шахвоний туйғуларни эмас, илоҳий парвозларни кўради. Уни жон бағишловчи қудратга қиёслайди. Ижодкорнинг муҳаббатга муносабатдаги бетакрорлиги ҳам балки шундадир:

*Бўсада бир сас бор, бир ўтли ҳис бор,  
Кўрнмас олов бор — дунё ёнади;  
Ҳеч ким искамазан жаннатий ис бор, —  
Искаган ҳар танда жон уйғонади;  
Бўсада мен борман, бўсада сиз бор, —  
Бу ўнч аслида бир баҳонадир.  
Илоҳий парвоздир ишқнинг ҳаёти,  
Икки лаб — инсоннинг икки қаноти.*

Шоир йигитликнинг энг гўзал лаҳзаларини икки мисрага жойларкан, шундай дейди: “Бир қизнинг чўғ каби муччиладарида Йигит ешимизни куйдириб олдик”. Қиз лабларидан олинган муччининг чўғлиги қудрати бир йигитнинг қалбини куйдирадиган даражада баланд. Бундай қуйиш ҳар бир йигитнинг орзуси бўлса керак ва бунга

Шоир бир шеърда мухлисига мурожаат қилиб дейди:

*Демак, жуда ўхшашимиз, инон,  
Иккимиз ҳам чеки йўқ ихлос.  
Сен — қаноти одамсан, шеърхон,  
Мен — қанотсиз булбулман, ҳоло.*

Абдулла Шердек шоирнинг мухлиси бўла олиш, унга ўхшаш, унинг дилдоши бўлиш, уни туйиш қўлидан келадиган шеърхонлар сафидан ўрин олишининг ҳам ўзи бўлмайди. Мухлиси шеърларини ўқиб, ним жилмайяптими, унинг кўнгли кўтарилиб яшаш завқи ортаптими, демак, шоир бекорга яшамапти. Демак, шоир умри тугагач ҳам яшайверади.

Шоирнинг шеърхонлар эътиборини қутаётган ғазаллари, бағишловлари, таржimaiлари, ғазалларга ёзган муҳаммаслари ва ҳайкулари алоҳида тадқиқотларга мавзу бўладиган материаллардир. Унинг шундай эътиборга лойиқ яратиларидан бири шеърини достонлари ҳисобланади.

Абдулла Шер “Ёнаётган йўл”, “Йиғлаётган тош” ва “Севилмаган менинг севгилим” номли достонлар муаллифи. Унинг “Севилмаган менинг севгилим” номли лирик асарни армонли муҳаббат достонидир.

Авалло, унинг сарлавҳаси кишини ўйлашга мажбур қилади: “севгилим” айна замонда “севилмаган”. Сарлавҳанинг моҳияти асар билан тўлиқ танишиб чиқилгандан кейин очилади. Асар қаҳрамони ёшлиқда севиб-севилган, лекин уни ҳавас деб ўйлаган, бунга қўпда парво қилмай, гурурга кетган, сўнгра қолган бутун умри давомида шу севгига ташна бўлиб яшаган ошиқ тимсоли. Бу достон маъшуксининг чинакам севилгиси бўлганини ўзи ҳам билмай қолган, шу боис ишқини қўлдан бериб қўйган ошиқнинг изтироблари ҳақида қуйлайди. Уни ўқиган кишида бир умр кўнглида пинҳон сақланган, орадан йиллар ўтиб англаган муҳаббат изтироблари умр поёнида қозғога тўкилган ва бу билан виждон ҳам қайсидир маънода энгил тортгандек тасаввур пайдо бўлади:

*...Биринчи муҳаббат шаънин авайлаб,  
Бутун умр бўйлаб олиб ўтамиз.  
Энг сара гўлзордан чечаклар сайлаб,  
Унгамас, ўзгага, лектин, тутамиз.*

Достон тўрт бандан иборат бўлиб, унинг ҳар банди кўшк деб аталган. Ҳар бир кўшк йигирмадан ортик саккизликлардан иборат. Биринчи кўшк муҳаббат васфига бағишланган. Бу кўшкда аввал: “Муҳаббат нима? У қандай қудрат-у, у қандайин куч — То сўнги кунгача юракда қоим? У қандай тилсим-у, у қандай сим-сим? Сирини ким айтиб беради, ҳайхот, Мажнунни, Отелло ва ёки Фарҳод?” деган саволлар қўйилади. Сўнгра муҳаббатнинг ўзидай гўзал жавоблар берилди: “У — моддий дунёда илоҳий камол, Қалб уни Каъбадек айлайди тавоф. Муҳаббат — эътиқод, муҳаббат — саҳо, Муҳаббатсиз дунё аянчи ва кир. Муҳаббат умрни кўкка улағай, Ошиқлар оҳ урса, тоғлар кулағай...”

Шундай қудратли туйғунини қуйлашга жазм этаркан шоир қаҳрамонининг тилидан ёзади:

*Биринчи муҳаббат қисматин бугун  
Достонга солай деб, хуллас, шайландим.  
Зулматда ярқ этган ён-ёруғ учқун —  
Ул бебош йигитга яна айландим.*

Улуғ ёшга етганда муҳаббат ҳақида асар ёзишга киришган шоирнинг кўнглида бошқа бир нарсадан хижолатлик бор. У ҳам бўлса:

*Баъзилар дейиши мумкиндир ҳайрон  
Андак кинояда, жилмайиб бир қур:  
“Шу ёйда муҳаббат ҳақида достон?!”  
Ёшлардек оҳ урмақ ақлга қусур...”*

Кўнглида пайдо бўлган бу хижилликка яна ўзи жавоб бериб: “Шоир ошиққа фарқи йўқ йилнинг, Улардир оламнинг ёшлиги, билинг!” дейди ва ошиқликнинг бетакрор гўзал дамлари куйлашга ўтади. Сатрлардан маълум бўлишича, асар муаллифининг мақсади шунчаки муҳаббат ҳақида достон ёзиш эмас. Унинг мақсади қаҳрамонини бутун умр давомида пинҳон қўйиб келадиган ишқ оловининг тафтига сув селиш, мағрурлигининг қурбони бўлган муҳаббат алоҳида қўшқариш, унинг қачонлардир хор қилган туйғуларига қолган бутун умри давомида берган тўловларини ниҳоясига етказиш, айна замонда қаҳрамонини муҳаббатдан узр сўрашиб, виждон азобини бироз бўлса-да энгиллатишдир.

Иккинчи кўшкда бевосита қаҳрамоннинг хотиралари қуйланади. Туйғуларнинг беғуборлиги ва ифоданинг самимиийлиги ўқувчининг лабларига майин табассум қақиради. Икки севишган қалб учрашганда тўлгонган ҳиссиётлар ва қизлик ҳаёси ўртасидаги кураш манзараси ўқувчини гўё сирли оламга олиб қиради.

Умри поёнида муҳаббатидан хотиралар қидириб, анҳор бўйларига, анҳорнинг машуқаси билан бирга кезган чап тарафига борган ошиқ ўзларидан бирор из ҳам қолмаганини пайқайди: суюкли мажнунтол ҳам, ўриндик ҳам йўқ. Фақат шафқатсиз хотиралар, ёшлигида кўнглидан ўтган гурурнинг овози қалбини кемиради: “Барини англадим, сезардим, аммо, Гумонга бошларди сохта бир товуш: “Мағрур бўл, йўлингда ҳали не барно Гаҳ десаң қўлингга кўнар мисли қуш. Шаҳарлик қиздан қор, қилмагин парво, То ёниш бор экан, бор эрур совуш!”

Достон қаҳрамони шунчаки энгил-елпи ёшлиқнинг ҳою ҳавасларига, ўйин-қулгига берилиб, муҳаббатидан айрилган йигит эмас. Ёки у бошқа бир гўзалларнинг кетидан қувгани йўқ. У ақлли йигит. У “Ватан эрки” деган қутлуг тушунча, “эрк” деган гоҳ дарди билан яшаган. Бу йўлдаги кураш ва ғалаба ишқ билан ёнган. Йигит назарида юртининг кишанлардан овоз бўлишига, бир хайқирқ билан дунёни қайириб юборишига ишонарди ва бунга умрини тикканди. Шу боис “Юракда эрк ишқи топсин деб камол Қадим булоқлардан сувлаб яшардим. Қутлуг онт бошимда зўр байроқ эди, Муҳаббат гўёки майдароқ эди...” дейди.

Лекин орадан йиллар ўтиб, ўттиз йилдан сўнг тасодифан юз берган учрашув ошиқ-маъшукларни ораларида бўлган муносабатларга аниқлик киритиб олишга имкон яратди. Албатта, энди кеч эди, буни иккала томон ҳам тушунарди. Лекин армонга айланган муҳаббат

ҳар икки кўнгилни ўттиз йил давомида тарқ этмаган, ўттиз йил давомида қўйнаган. Ҳар иккала томон ҳам айбдорларни қидирган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, чин муҳаббат кўнглини ҳеч қачон тарқ этмайди. Муҳаббат тарқ этмайдики ёки кўнгли уни қўйиб юборолмайди? Тўғрироғи, кўнгил қўйиб юбормаса керак. Бу туйғу қалбга керак. Унинг изтироби ҳам дилга хуш ёқади. Кўнгли эса ўзига хуш ёққан, унга хушроқ бағишланган туйғудан ҳеч қачон воз кечолмайди. Унинг соҳиб қанчалик ақлли бўлмасин, кўнглига эгалик қилолмайди. Унинг етовига юришдан, азобларини ҳис этиш ва бунга бардош беришдан ўзга чораси йўқ. Афсуски, ҳар хил баҳоналар билан ўзини овутишдан бошқа чора йўқ: “Жаранглаб курашдим, дейман, чиннидек. Ишқимни йўқотдим, лектин, жиннидек”.

Достон қаҳрамони шунча изтироблар ичида ҳам яна ўзини бермайди, сўзини бермайди:

*Ҳали ҳам курашдан мен қайтганим йўқ, —  
Ватаним эркин хатти хатти хатти.  
Ҳар сўзим, қарагин, чарсиллаган чўғ —  
Оловдек авлодини ниҳоясиман.*

Бу мисраларда ҳақиқат бор. Асар қаҳрамони буни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан қўрсатади. Бу билан ўзини ҳам бироз овутирди. Лектин бой берилган нарса ҳам жуда қимматли. Достон қаҳрамони иккисини бирга тутиб туриш мумкин эканини, муҳаббат гоғлар учун курашда фақат куч-қувват беришини, бир нарсда нимагадир эришиш учун иккинчисини қурбон бериш шарт эмаслигини илғамай қолган.

Достоннинг тўртинчи қўшиғи хотиралар бағрида ўзини унутмок, аламар, изтироблар билан ўзини кемирмоқ қўшиғи.

*Ҳўштайман томоққа тиқилган зордан.  
Кўнглим, яна мен тутиб гўлдаста,  
Табассум олсайдим гўлдек руҳсордан.  
Ҳаммаси бўларди буткул ўзгача.*

Бу мисралардан нафақат шоирнинг, балки ўқувчининг ҳам томоғига йиги тикилади. Ви-солидан ўзи учун ўзи ҳижрон ясаган ошиқ ўзининг ишқдаги беуқувлигидан изтироблар чекиб, кечирим сўрашга тили айланмай, тово-нига ботган муҳаббат тиконининг захридан озорланиб, севгининг машаққатли йўлидан кетиб бормоқда. Бу йўлдаги машаққатларидан ҳузурланмоқда:

*Йилларнинг шамоли қўрсатди кучин,  
Андак: муҳаббат ўзи буюқ дард.  
Дардлар дунёда кўп экан мунча!  
Дардлар дунёси хўб экан мунча!*

Дардларнинг “хўб” дунёсида муҳаббат дардини самимиий қўйлаб, ўзгаларга маънавият улашадиган ижодкор кўнглини бутун ҳам оташ тарқ этгани йўқ. Ишқсиз бедардлар давраси дард-каш шоирига хамиша бегона. Умрининг саксон доводидан ошган Абдулла Шер ижоди айна йигитлик палласида, камолот чўққисиди. Туйғулардаги теранлик, туганмас завқ-шавқ, баланд тафт, беғубор самимиият шоир шеърларини асло тарқ этмасин, деймиз.

Қундузхон ҲУСАНБОУВА,  
педагогика фанлари доктори.

РЕКЛАМА

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕHZOD NOMIDAGI  
MILLIY RASSOMLIK VA DIZAYN  
INSTITUTI**

**2024-yil uchun quyidagi ixtisosliklar bo'yicha tayanch doktoranturaga qabul e'lon qiladi:**

No	IXTISOSLIK	O'RINLAR
1.	17.00.05 — Dizayn nazariyasi va tarixi	1
2.	17.00.06 — Muzeystunosluk. Tarixiy-madaniy obyektlarni konservatsiya qilish, ta'mirlash va saqlash	2
3.	17.00.08 — San'at nazariyasi va tarixi	3
4.	17.00.04 — Tasviriy va amaliy bezak san'ati	2

**TALABGORLAR QUIYDAGI HUJJATLARNI TOPSHIRADI**

- Ariza.
- Qisqacha biografik ma'lumotnoma.
- Mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun).
- Oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplom, oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi.
- Nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari.
- Xorijiy tillarni bilish darajasini baholovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikat.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi.

**KIRISH IMTIHONLARI**  
Mutaxassislik

Hujjatlar pdf shaklida tayyorlanib, 2023-yil 15-sentabr dan 15-oktabrgacha Oliy ta'limdan keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi yagona elektron tizim (<http://phd.mininnovation.uz>) orqali ro'yxatdan o'tkazilgan holda qabul qilinadi.

Kirish imtihonlari 1 — 25-noyabr oraliq'ida bo'lib o'tadi.

**Murojaat uchun manzil: Toshkent shahri, Mirobod tumani, Mironshoh ko'chasi, 123-uy.**  
Telefon: 71-255-98-39.

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**2024 йилга қўйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура ва докторантурага қабул эълон қилади:**

Ихтисосликлар шифри ва номи	Квота миқдори			
	DSc	PhD	Мақсадли докторантура	
			DSc	PhD
08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси		2		
08.00.06 — Эконометрика ва статистика		1		
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит	3	13	1	2
08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит	1	7		
08.00.13 — Менежмент		1		
08.00.14 — Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари		1		
<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>25</b>	<b>1</b>	<b>2</b>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ таянч докторантура ва докторантурага қўйидаги ҳужжатлар топширилиши сўралади:

Таянч докторантурага (PhD) талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасасининг магистратура ҳамда бакалавр дипломлари ва унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати (таянч докторантурага кириш учун талабгорларда танланган диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда камда битта илмий мақола ҳамда иккита тезис) ва уларнинг нусхалари, хорижий тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификат, илмий раҳбарнинг розилик хати.

Докторантурага (DSc) талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасасининг магистратура ҳамда бакалавр дипломлари ва унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати (таянч докторантурага кириш учун талабгорларда танланган диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда камда битта илмий мақола ҳамда иккита тезис) ва уларнинг нусхалари, хорижий тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификат, илмий раҳбарнинг розилик хати.

Докторантурага (DSc) талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасасининг магистратура ҳамда бакалавр дипломлари ва унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати (таянч докторантурага кириш учун талабгорларда танланган диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда камда битта илмий мақола ҳамда иккита тезис) ва уларнинг нусхалари, хорижий тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификат, илмий раҳбарнинг розилик хати.

Докторантурага (DSc) талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасасининг магистратура ҳамда бакалавр дипломлари ва унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати (таянч докторантурага кириш учун талабгорларда танланган диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда камда битта илмий мақола ҳамда иккита тезис) ва уларнинг нусхалари, хорижий тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификат, илмий раҳбарнинг розилик хати.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Амир Темурашхон кўчаси, 60-“А” уй, Тошкент молия институти, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.

Телефон: 71-235-41-83. E-mail: [tmikon@tifi.uz](mailto:tmikon@tifi.uz)

**Ҳужжатлар 2023 йилнинг 15 сентябридан 15 октябригача қабул қилинади.**

**H.M.Abdullayev nomidagi  
Geologiya va geofizika instituti  
2024-yil uchun Oliy ta'limdan  
keyingi ta'lim institutiga qabul  
tanlovini e'lon qiladi!**

- Tayanch doktorantura (PhD):**
  - **04.00.01** Umumiy va mintaqaviy geologiya (ikkita o'rin);
  - **04.00.02** Qattiq foydali konlarning geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish. Metallogeniya va geokimy (ikkita o'rin);
  - **04.00.03** Geotektonika va geodinamika. Petrologiya va litologiya (ikkita o'rin);
  - **04.00.06** Geofizika. Foydali qazilmalarni qidirishning geofizik usullari (ikkita o'rin);
  - **04.00.08** Mineralogiya. Kristallografiya (ikkita o'rin).
- Doktorantura (DSc):**
  - **04.00.01** Umumiy va mintaqaviy geologiya (bitta o'rin).
- Maqsadli doktorantura (PhD):**
  - **04.00.03** Geotektonika va geodinamika. Petrologiya va litologiya (bitta o'rin).
- Maqsadli doktorantura (DSc):**
  - **04.00.01** Umumiy va mintaqaviy geologiya (bitta o'rin).
- Stajor-tadqiqotchi:**
  - **04.00.01** Umumiy va mintaqaviy geologiya (bitta o'rin);
  - **04.00.02** Qattiq foydali konlarning geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish. Metallogeniya va geokimy (ikkita o'rin);

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 22-maydagi 304-sonli qaroriga binoan hujjatlar 2023-yil 15-sentabr dan 15-oktabrgacha b'lgan muddatda <https://phd.mininnovation.uz> yagona elektron tizim orqali qabul qilinadi.

**Murojaat uchun tel.: 90-960-47-05.**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона 71-259-74-53;**  
эълонлар 71-259-74-55.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини текшириш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона 71-259-74-53;**  
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.**

Набатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мушаххис — С. Исмолов.

**“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
**Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20**      **Топширилди — 23.40**      1 2 3 4 5 6